

## ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ. № 2

Тошкент т.

2022 йил «07» Январь.

Бир томондан «Сотувчи» «ABDULLAEV OMAD HAMKOR» ОК номидан Низом асосида ҳаракат қилувчи раҳбари N.N.ABDULLAEV номидан, Иккичи томондан «Сотиб олувчи» деб юритилаётган “Dori vositalarini standartlash Ilmiy markazi” МЧЖ номидан Низом асосида ҳаракат қилувчи директор М.М Хамдамов кейинги ўринларда номидан, икки томондан қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

- 1.1. Сотувчи ўзига тегишли товарни Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса ушбу товарни қабул қилиш ва ҳақини тулаш мажбуриятини олади.
- 1.2. Товар ҳақида маълумотлар: Ушбу шартноманинг 1.3 қисмидаги № 1 жадвалида кўрсатилган.
- 1.3. № 1

№	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Баҳоси	Суммаси
1	Лаборатория хайвонлари				50000000
				Жами:	50000000

- 1.4. Товарнинг умумий баҳоси: Еллик миллион сўм. ҚҚС сиз.

### 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ.

- 2.1. Ушбу шартнома бўйича тулов қуйидаги тартибда амалга оширилади: Шартнома икки томон ўртасида имзоланганидан сўнг 10 банк кун ичида Сотувчига олдиндан 15 % микдорида пул тўлаш.
- 2.2. Қолган суммани 10 банк кун ичида махсулотларни етказиб берилгандан сўнг етказилган хар бир махсулотлар учун 85% микдорда пул тўлаш.
- 2.3. Тулов шакли: Пул ўтказиш йули билан амалга оширилади.

### 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

- 3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:
- 3.2. Шартноманинг 2.1 банди Сотиб олувчи томонидан бажарилган санадан бошлаб товарни 25 банк кун ичида Сотиб олувчига топшириши шарт.
- 3.3. Товарни ва унга оид ҳужжатларни ушбу шартнома шартлари асосида Сотиб олувчига топшириш..
- 3.4. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:
- 3.5. «Сотиб олувчи» олинётган махсулотни «Сотувчи» дан қабул қилиб олади ва ўз транспортида олиб кетади, сифат ва микдор хусусида бўладиган эътирозлар махсулотни қабул қилиш жойида хал қилинади, махсулотни қабул қилиб олганидан кейинги эътирозлар қабул қилинмайди.

### 4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 4.1. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи сотиб олувчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 30 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тулаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.
- 4.2. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳужалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тулашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар хақи тулаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати,

ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан аццептсиз тартибда ундириб олинади.

4.3. Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 10 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4. Тарафларнинг жавобгарлик ҳолатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги» Қонуни бўйича амалга оширилади.

## 5. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

5.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

5.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йул қуйилади.

## 6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ёзма талабнома билдириш тартибига риоя қилинган ҳолда хал этилади.

6.2. Билдирган талабномасига қонунда белгиланган бир ойлик муддат ичида жавоб олмаган ёки талаблари қаноатлантирилмаган тақдирда, ҳуқуқи бузилган деб ҳисобловчи тараф низони хал қилиш учун даъво аризаси билан жавобгар жойлашган Тошкент туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилишга ҳақли.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР.

7.1. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга деб ҳисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.

7.2 Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил «31» декабрь

## 8. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

Сотувчи:

СП«ABDULLAEV OMAD HAMKOR»

Адрес: Тошкент вил. Тошкент тумани

Chuvalachi xududi Chilangar ko'chasi

39 uy

Телефон: +99893 553 52 03 Р/С №

2020 8000 2009 4240 8001

«BANK IPAQ YO'LI»

Банк коди 01101, STIR 305854706

Директор \_\_\_\_\_ Н.Н.Абдуллаев

М.П.



Сотиб олувчи:

“DORI VOSITALARINI STANDARTLASH

ILMIY MARKAZI” МЧЖ

Адрес: Тошкент ш. Миробод тумани,

Ойбек кучаси 45йу

Телефон : +99871 2307132

Р/С 20208000904153619001

«DAVR-BANK» Юнсобод филиали

Банк коди: 01122 STIR 203791394

ОКЭД: 71200

Директор \_\_\_\_\_ М.М.Хамдамов

